

Ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш учун муаллиф томонидан унинг нафақат қиймати, балки унинг фойдаланиш самарадорлиги даражасини ҳам аниқлаш имкониятини берувчи, ўзида ресурс ва натижадорлик ёндашувларининг афзалликларини мужассамлаштирган кўрсаткичларнинг умумий тизими ва аниқлаш услубияти таклиф этилмоқда. Шунингдек:

1. Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти тизимини декомпозициялаш, унинг асосий таркибий қисмларини ажратиш олиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ҳар бир унсурлари аҳамиятлик даражасини аниқлаш жараёни амалга оширилади.

2. Тадқиқот даври учун ишлаб чиқариш салоҳияти унсурларидан самарали фойдаланишнинг ҳақиқий кўрсаткичлари аниқланади.

3. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг алоҳида таркибий қисмлари аҳамияти ҳисоблаб чиқилади ва барча олинган кўрсаткичлар саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичларига синтезланади.

4. Босқичдан босқичга ўтиш изчиллигидан (паст – 50 %; ўрта – 51 %дан 80 %гача; юқо-

ри – 81 %дан юқори) келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражаси аниқланади ва корхона фаолияти ҳақида хулосалар шакллантирилади.

5. Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида захираларни стратегик ривожланишга йўналтириш йўллари аниқлаштирилади.

Шундай қилиб, ўтказилган изланишлар, ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўзига хослиги шундаки, унинг унсурлари барча турдаги захираларга эга бўлиб, улардан фойдаланилган ҳолда саноат корхоналарининг самарадорлиги сезиларли даражада ошишига эришиш мумкинлигини аниқлаш имконини берди. Миллий иқтисодиётнинг электротехника саноати соҳаси ривожланиши учун корхонанинг саноат-ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда молиялаштириш ҳажмини ошириш ва жадаллаштиришнинг мавжуд механизмлари етарли эмас. Ишлаб чиқариш салоҳияти шаклланиши ва ривожланиши турли ташкилий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар, ўз навбатида, унсурлар ўртасидаги тизимли алоқаларни тиклаш зарурати билан белгиланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли. <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Колесниченко Елена Александровна, Чекулина Татьяна Александровна Развитие промышленных предприятий как основа инновационного развития страны. // Вестник ТГУ. 2011. № 10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-promyshlennyh-predpriyatij-kak-osnova-innovatsionnogo-razvitiya-strany> (дата обращения: 12.03.2022).
3. Аганбегян А.Г. Научно-технический прогресс и ускорение социально-экономического развития. – М.: Экономика, 1995. С. 8.
4. Федотов А.В. Сдерживающие факторы экономического развития промышленных предприятий. // Вопросы региональной экономики. 2013. № 4. С. 95-104.
5. Фейгельман Н.В. Выявление путей повышения эффективности использования основных производственных фондов промышленного предприятия. // Демидовские чтения – Тула 2015. 2015. С. 285-290.
6. Шнайдер О.В., Федулова Н.Н. Основные пути повышения эффективности использования производственного потенциала предприятия. // Балканско научно обозрение. 2017. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnyeputi-povysheniya-effektivnosti-ispolzovaniya-proizvodstvennogo-potentsiala-predpriyatiya> (дата обращения: 12.03.2022).
7. Дубинина Наталья Александровна Производственный потенциал промышленного предприятия и методы его оценки. // Вестник АГТУ. Серия: Экономика. 2009. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/proizvodstvennyu-potentsial-promyshlennogo-predpriyatiya-i-metody-ego-otsenki> (дата обращения: 14.04.2022).
8. <https://core.ac.uk/download/pdf/212980468.pdf>
9. <http://uzkabel.uz/documents>



ЕНГИЛ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Норқувватова Гулмира Изатуллаевна -
Навоий давлат педагогика институти,
докторант

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a45

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда енгил саноатни ривожлантиришнинг аҳамияти, фаолиятни ташкил этишда илмий-институционал асосларининг такомиллашуви, енгил саноат корхоналарини ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, ялпи ички маҳсулот, енгил саноат, тукувчилик, тукув-трикотаж, пахта тўқимачилик кластери, стандарт, иқтисодий омиллар.

НАУЧНО-ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ
И ОСОБЕННОСТИ РАЗМЕЩЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ

*Норкуватова Гулмира Иззатуллаевна -
Навоийский государственный педагогический
институт, докторант*

Аннотация. В статье освещается значение развития легкой промышленности в обеспечении устойчивости экономики Узбекистана, совершенствование научной и организационной базы организации деятельности, специфика региональной организации предприятий легкой промышленности.

Ключевые слова: устойчивое развитие, валовой внутренний продукт, легкая промышленность, ткачество, швейно-вязальное производство, хлопчатобумажный текстильный кластер, стандарт, экономические факторы.

SCIENTIFIC-INSTITUTIONAL FUNDAMENTALS OF LIGHT INDUSTRY DEVELOPMENT
AND FEATURES OF ENTERPRISE LOCATION

*Norkuvatova Gulmira Izzatullaевна -
Navoi State Pedagogical Institute, doctoral student*

Annotation. The article highlights the importance of the development of light industry in ensuring the stability of the economy of Uzbekistan, the improvement of scientific and institutional framework for the organization of activities, the features of the territorial organization of light industry enterprises.

Keywords: sustainable development, gross domestic product, light industry, weaving, sewing and knitting, cotton textile cluster, standard, economic factors

Кириш. Мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун иқтисодийнинг барча тармоқлари муваффақиятли фаолият юритиши лозим. Ривожланган саноат мажмуасига эга бўлган худудларгина иқтисодий ўсишнинг юқори даражасига эришиши, бу билан аҳоли турмуш даражаси яхшиланишини таъминлаши мумкин. Соҳанинг ривожланиши, жумладан, енгил саноатнинг ривожланиши давлатнинг мавқеини оширади, кўплаб янги иш ўринлари яратилишига имкон яратади ва аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилайдди.

Енгил саноат тармоғининг ўзига хос жиҳати ушбу тармоқ маҳсулотининг жаҳон бўйлаб харидорғирлиги ва доимий талабнинг мавжудлигидир. Енгил саноат маҳсулотлари юқори қўшилган қиймат даражасига эга бўлиб, валюта тушуми учун қулай, шунингдек, тармоқ аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайдди.

Айниқса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб олинган вазифаларда миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга оширишда енгил саноатнинг улушини ҳам ошириш мақсади белгилаб олинган. Бунда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга, чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 3 бараварга кўпайтириш мақса-

дининг белгиланиши мавзунинг долзарблигини янада оширади [1].

Бундай фаолият юритиш ўзининг институционал асосига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-510-сонли қарориди 2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури маъқулланди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони [3] билан кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-16 сонли фармони билан пахта тўқимачилик кластерларига бир қатор енгиллик ва имтиёзлар белгилаб берилди [4].

Эришилган натижалар билан бирга, тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, республика даражасида эришилган натижалар вилоятлар, туман, шаҳарлар кўламида бир-биридан

фарқ қилади. Ички ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда тўлиқ даврли енгил саноат тармоқлари технологик занжирини ҳудудий ташкил этишнинг илмий таъминотига етарлича эътибор қаратилмаган ҳолатлар мавжудлиги кузатилади.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва унинг саноат тармоқларини ривожлантиришнинг долзарблиги тадқиқотчи олимларнинг илмий натижаларида ўз аксини топган. Хорижлик олимлардан С.Портер, Д.Деверюкс, Р.Нуреевлар иқтисодиётни такомиллаштиришда саноат тармоғининг аҳамиятини кенг ёритган тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлишган [6].

Саноатлашган ишлаб чиқаришнинг қарор топиши билан “штандорт”, яъни корхоналарни жойлаштириш борасидаги таълимотлар ҳам юзага келди. А.Вебер, И.Тюнен ва бошқаларнинг илмий ишларида “штандорт” сўзи ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш мазмунига айланиб, янги бир таълимотни юзага келтирди.

И.Тюнен томонидан 1826 йилда чоп этилган “Алоҳида давлат, унинг қишлоқ хўжалиги ва миллий иқтисодиётга муносабати” номли китобида дастлабки “штандорт” назарияси келтирилади [7].

И.Тюненнинг илмий назариясида “бозор марказига нисбатан қишлоқ хўжалигининг жойлаштирилиши қонуниятини шу бозорга нисбатан ихтисослашган минтақалардан иборат бўлиши зарур” деган ғоя туради. У биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг жойлашишини асослашда математик амалларни қўллайди.

Илмий тадқиқотлар давом этиб, немис олими А.Вебер “Саноат штандорти назарияси” номли асарида саноатни жойлаштиришнинг учта асосий омилини кўрсатиб беради, жумладан:

- биринчидан, транспорт йўналиши муҳим омил ҳисобланиб, бунда мулкдор ўз корхоналарини транспорт харажатлари энг кам бўлган аҳоли манзилгоҳларида кўришга интилади;

- иккинчидан, ишчи йўналиши қулайлиги, мулкдор ўз корхоналарини энг арзон ишчи кучи мавжуд аҳоли манзилгоҳларида қуришни мақсадга мувофиқ деб билади;

- учинчидан, агломерация, мулкдор энди ўз корхоналарини бошқа саноат корхоналари тўпланган ҳудудларда кўришга ҳаракат қилади. Бу билан тадбиркор транспорт йўллари, энергетика хўжалиги, коммунал хўжалигини барпо қилишга бўлган харажатларини қисқартиришни мақсад қилади.

Шунингдек, мавзу доирасида иқтисодчи олимлардан А.Ортиқов “Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари”ни [8], М.Нарзикулов “Саноатни ривожлантириш стратегияси-

ни ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор таркибий ўзгаришларга қаратилганлиги”ни [9], Ўзбекистон минтақалари, уларнинг шаклланиши ва иқтисодий ривожланишига оид хусусиятлар М.Абдусаломов, Б.Рўзметов, А.Содиқов, Ф.Эгамбердиев, А.Қаюмов ва кўплаб иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кенг ёритилган.

Иқтисодчи олим Г.Захидов пахтани қайта ишлаш босқичларида ишлаб чиқариш қувватларининг мутаносиблигини таъминлаш, корхоналарнинг жойлашиши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқот ишларини олиб борган. Енгил саноатда тармоқлараро кластер фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда ташқи ва ички муҳитнинг ўзаро мувофиқлиги шартлари ва асосий элементларини аниқлаб, “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти тўқимачилик кластерининг технологик-иқтисодий тузилмаси”ни ишлаб чиққан [10].

Олиб борилган тадқиқотларда саноат корхоналарининг ривожланиши ва жойлаштириш хусусида тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, унда енгил саноат корхоналарини ривожлантириш ва жойлаштиришда ҳудудларнинг ривожланишдаги ихтисослашув хусусиятларига кам эътибор қаратилганлиги кузатилади.


Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларидан, маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқот ишлари ва илмий мақолаларидан фойдаланилди. Изланиш жараёнида иқтисодий, статистик, монографик, қиёсий таҳлил, мантиқий фикрлаш, жадвал ва график усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида енгил саноатнинг республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги иштироки янада кенгайди ва саноатда банд бўлганларнинг учдан бир қисми мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Маҳаллий хомашё асосида ички истеъмол талаблари таъминланиб, аҳоли эҳтиёжларидан ортган маҳсулотларнинг бир қисмини жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали муҳим иқтисодий самарадорликка эришилди. Енгил саноатнинг республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 24 фоиздан, истеъмол товарлари ҳажмидаги улуши эса 56 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг 75 фоизи жаҳонга машҳур компанияларнинг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган қўшма ва хорижий корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Республикамизда 2015-2020 йилларда энгил саноатни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил жорий этилганлиги бугунги кунда хорижий ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотди. Боиси унинг доирасида кўплаб янги қувватлар ишга туширилди, қайта ишлаш ҳажми тобора ошиб, калава ип ишлаб чиқариш 218,3 минг тоннадан 528,6 минг тоннага, газлама тайёрлаш ҳажми 120 млн. квадрат метрдан 470 млн. квадрат метргача оширилди.

Бугунги кунда энгил саноатнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2,7 %, саноат маҳсулотлари ҳажмида 26,2 %, ноозиқовқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда эса 44 %дан ортиқни ташкил этади [12].

Изчил давом эттирилаётган бундай жараёнлар ва институционал асосларнинг яратилиши энгил саноат тармоғини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш лойиҳаларининг ҳар томонлама асосланганлигини таъминлайдиган ривожланишга олиб келди. Натижада мулкчилик шаклидан қатъи назар энгил саноат корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлашга оид барча лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида мажбурий экспертизадан ўтиши тартиби ўрнатилди (1-расм):



1-расм. Энгил саноат корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлашга оид лойиҳалар экспертизасининг асосий жиҳатлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Энгил саноат корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларини рағбатлантириш борасида берилган имтиёзларнинг ҳам асосланганлиги мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим асос бўлди. Жумладан, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарига берилган имтиёзларга мувофиқ, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, тайёр маҳсулотларнинг янги турларини яратиш ва корхона маблағини тўлдиришга йўналтириш имкониятлари берилди.

Таъкидлаш жоизки, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини модернизация ва диверсификация қилиш ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ишлаб чиқарилаётган тайёр рақобатбардosh маҳсулотларнинг ҳажми ва турларини кенгайтириш, пахта хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш самарадорлиги ва рентабеллигини оширишнинг энг муҳим шarti ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда мазкур соҳани янада ривожлантиришни таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21

декабрдаги ПҚ-2687-сонли қарори билан 2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланган.

Бугунги кунда республикада 7 мингга яқин корхона фаолият юритаётган юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган тўқимачилик тармоғи шакллантирилди. 1,4 миллион тонна ҳажмдаги пахта толасини ишлаб чиқариш қувватлари яратилди, шундан 60 фоизга яқиндан маҳаллий тўқимачилик корхоналарининг эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни жаҳон бозорларига илгари суриш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар комплексини белгилаб берди. Ушбу ҳужжат билан тўқимачилик саноатини янада ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари белгиланди:

- тўқимачилик саноатининг иқтисодий-даги улушини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг ҳажми ва сифатини ошириш;
- тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;
- тўқимачилик саноати соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш;
- тармоққа илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;
- тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг кластер моделини амалга ошириш;
- логистика ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан ўзаро узвий боғлиқликда хомашё ресурслари тақсимотининг ва ташкил этилаётган тармоқ корхоналари жойлашувининг мувозанатини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновация технологиялари, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитура ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;
- тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Эътироф этиш жоизки, ҳудудларни барқарор ривожлантириш, бир-биридан фарқланадиган ривожланиш даражасини бартараф этиш ва аҳоли бандлигини устувор таъминлашга эришиш учун, шу жумладан, енгил саноатни ривожлантиришда ҳам барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона ва оптимал даражада фойдаланиш бундай долзарб масалаларга ечим бера олади. Мамлакатимиз таркибига кирган ҳар бир вилоят, туман маълум объектив қонуниятлар асосида ташкил этилган бўлиб, ривожланишда ихтисослашув хусусиятига эга бўлиб, ҳудудий жойлашуви, саноатининг ривожланганлик даражаси, ҳудудларнинг демографик ҳолати ва аҳолининг жойлашуви, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳияти бир-биридан фарқланади [5].

Ҳудудларнинг ер-сув ресурслари, иқлим шароитлари ҳам кам бўлса-да фарқланиб, ер-сув ресурсларининг сифатида ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. 2020 йилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларида ҳам бу натижани кузатиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлари иқтисодий-таркиби ҳолати таҳлили (2020 йил) [12]

Вилоятлар	ЯИМ (ЯҲМ) (фоизда)	Саноат маҳсулоти (фоизда)	Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	Қурилиш ишлари (фоизда)	ЯИМ (ЯҲМ) аҳоли жон бошига (минг сўм)
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	15 242,0
Қорақалпоғистон Рес.	3,7	3,9	3,9	4,7	9 944,1
Андижон	6,4	10,3	10,8	5,0	10 621,6
Бухоро	5,2	4,6	8,7	6,1	13 980,1
Жиззах	3,0	1,4	6,3	3,5	11 126,3
Қашқадарё	7,1	6,3	9,1	6,1	11 233,3
Навоий	7,2	13,8	4,4	4,9	37 119,5
Наманган	4,5	2,7	7,5	4,9	8 353,6
Самарқанд	7,3	4,9	13,1	6,4	9 793,9
Сурхондарё	4,4	1,3	8,1	5,6	8 597,2
Сирдарё	2,0	2,3	3,6	2,7	12 500,3
Тошкент	9,8	16,6	9,6	7,9	17 164,2
Фарғона	6,4	5,8	8,5	5,9	8 861,5
Хоразм	3,7	2,6	6,4	3,5	10 337,4
Тошкент шаҳри	14,6	16,4	-	22,8	29 331,2

Маълумки, ҳудудлар ўртасидаги тафовутлар аҳолининг турмуш даражаси сифатига таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг раҳбарияти улар ўртасидаги тафовутларнинг жуда катталашиб кетишига йўл қўймасликка жиддий эътибор берилиши лозим бўлган масала сифатида қарамоқда. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳали вилоятларда тўлиқ фойдаланилмаган ишлаб чиқариш салоҳиятлари мавжуд бўлиб, айниқса, вилоятларда енгил

саноатни ривожлантиришда ишга тушмай қолаётган имкониятлар бор. Саноатнинг ушбу тармоғи мамлакатимиз ЯИМида ўсишидаги ҳиссаси тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти-мизда муҳим ўрин тутиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар. Энг аввало, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, тармоқни бошқаришни ташкил этиш, ре-

сурс ва ишлаб чиқариш қувватларининг тақсимланиши, кадрлар малакасининг юқори эмаслиги билан боғлиқ тизимли муаммоларнинг мавжудлиги пахта хомашёсини етиштиришнинг паст рентабеллигига ва уни қайта ишлашга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг етарли даражада эмаслигига олиб келмоқда. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда вилоят, туман, шаҳарларни мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, энгил саноатни ривожлантириш стратегиясини белгилаш ва саноат корхоналарини жойлаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– вилоятларнинг ички ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда тўлиқ даврли энгил саноат тармоқлари технологик занжирини ҳудудий ташкил этишнинг илмий таъминотига етарлича эътибор қаратиш;

– вилоят, туман ва шаҳарларни мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришишда ҳудудларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ҳудудлардаги аҳолининг энгил саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда энгил саноат корхоналарини ташкил этишда уларнинг ҳудудий жойлашувидаги имкониятларини эътиборга олиш;

– энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик

асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қишлоқ жойларида қуриш ва аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлаш баробарида уларни иш билан таъминлаш имкониятини кенгайтириш;

– маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали энгил саноатни янада модернизация ва диферсификация қилиш;

– сифатли энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, мазкур тармоқни ривожлантириш ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда кластер тизимидан самарали фойдаланишга эришиш зарур.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳарларни мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобидан ҳудудларни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлигини устувор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш орқали Ўзбекистон Республикасида энгил саноатни инновацион ривожлантириш йўлига ўтилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “ 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-510-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-16-сонли фармони.
5. 2017-2021 йилларда ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. ТДИУ. – Т.: Маънавият.
6. Андреев А. Основы региональной экономики: учебник для вузов. – М.: Кно Рус, 2012. – 334 с.
7. Курнышев В. Региональная экономика. Основы теории и методы исследования. Учебник для вузов. – М.: Кно Рус, 2012. – 254 с.
8. Ортиқов А. Саноат иқтисоди. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2009. – 236 б.
9. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы 1-го форума экономистов. / Отв. ред. М.Нарзикулов. – Т.: Молия, 2012. С. 8.
10. Захидов Г. Корхоналарни кластерга бирлаштиришнинг технологик асослари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 6-сон. 2015 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий сайти маълумотлари. [http://uza.uz/oz/business/ engilsanoat-yuksalmoqda](http://uza.uz/oz/business/engilsanoat-yuksalmoqda).